

11-02/107-son

21 oktabr 2025 yil.

"ТАСДИҚЛАЙМАН"



Вилоят ҳокими

Н.Т.Турсунов

**Вилоят ҳокимлигининг аппарат йиғилиши
БАЁНИ**

2025 йил 20 октябрь

Навоий шаҳри

Раислик қилувчи:

Н.Турсунов - вилоят ҳокими

Қатнашдилар:

Вилоят ҳокими ўринбосарлари, гуруҳ раҳбарлари, котибият мудирлари, шаҳар, туман ҳокимлари ва уларнинг ўринбосарлари, кун тартибидаги масалаларга алоқадор ташкилот ва муассаса раҳбарлари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

1. Ижро интизомини мустаҳкамлаш хусусан edo.ijro.uz платформаси орқали келиб тушган **Давлат Раҳбари топшириқларининг ижро ҳолати** тўғрисида;

2. Камбағалликни қисқартириш, “ИШ БЕРИНГ” каналидаги мурожаатлар, **мигрантлар** билан ишлаш ва **аҳоли бандлигини таъминлаш** бўйича белгиланган вазифалар ижроси тўғрисида;

3. Республика Ишчи гуруҳи томонидан Навоий вилоятидаги **касбий таълим ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш натижалари ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича “Йўл харитаси”да белгиланган вазифалар ижросини самарали ташкил этиш** тўғрисида;

4. Вилоятда Коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар тўғрисида;

5. Бошқа масалалар (ДХХ вилоят бошқармасининг 2025 йил 29 сентябрдаги хатида кўтарилган масалалар).

(Н.Турсунов, Р.Сулаймонов, Ж.Ходжаев, М.Мамадиярова, А.Муллажанов, С.Назаров, Л.Хайруллаев, Д.Нишонов, Н.Сафоев, Ғ.Алиев, Д.Эргашев, Н.Рахманов, А.Файзиев, О.Умаров, У.Елмуратов, Н.Турсунов)

Йиғилишда дастлаб, Давлат Раҳбарининг ҳамда Президент Администрацияси раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан киритилган тақдимнома ўқиб эшиттирилди ҳамда тақдимномада кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш бўйича муддатлар белгиланди.

Шунингдек, йиғилишда вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ҳикматов)га “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (Назаров), Хатирчи тумани ҳокимлиги (Адизов) билан биргаликда бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПҚ-132-сонли қарорига асосан, Хатирчи туманидаги аҳолига ижара асосида ажратилган 370 гектар ер майдонлари ва 600 гектар яйлов ерларида боғлар, сабзавот ва полиз экинлари экиш учун тик қудуқларни қуриш топшириғини охирига етказиш;

вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (Ражабов) билан биргаликда уч кун муддатда республика билан ҳамкорликда ишлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2025 йил 16 июнь куни ўтказилган йиғилиш бўйича тасдиқланган 28-сонли баённинг 24-банди ижросини таъминлаш мақсадида, “Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”дан 7,0 млрд сўм маблағ ажратиш масаласини ҳал қилиб, натижаси тўғрисида ахборот киритиш;

вилоят ҳокимининг ўринбосари (Ғаффоров)га Навбаҳор (Ўроқов) ва Қизилтепа (Бобомуродов) туманлари ҳокимлари билан биргаликда ишлаб, беш кун муддатда терини қайта ишлаш лойиҳаларини тўлиқ қувватда ишга тушириш чорасини кўриш топшириқлари берилди.

Шу билан бирга вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, котибият мудирларига “edo.ijro.uz” платформасида назоратда турган Давлат Раҳбарининг топшириқлари ижросини ўз вақтида таъминлаб, топшириқларни жорий йил октябрь ойининг 25 санасига қадар назоратдан чиқариш чора-тадбирларини кўриш, акс ҳолда белгиланган муддатда топшириқлар ижросини таъминламаган мутасаддиларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий чоралар қўлланилиши тўғрисида расман огоҳлантирилди.

Йиғилиш кун тартибида камбағалликни қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш масалалари муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар тегишли масъулларга кўрсатиб ўтилиб, тегишли чоралар кўрилиши белгиланди.

Жумладан, туман (шаҳар) ҳокимларига бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда ўн кун муддатда даромади пасайган 327 та камбағал оилаларнинг даромадини қайта кўриб чиқиб, реестрга тушган вақтдаги даромади билан солиштирган ҳолда даромадини ошириш чораларини кўриш топшириғи берилди.

Шунингдек, камбағаллик ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 25 та оғир маҳаллаларга бириктирилган иқтисодий комплекс раҳбарлари ишга ёндашув ва муносабатларини кескин ўзгартирган ҳолда, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, қўшиб ёзмасдан бажариб, жорий йилнинг 1 ноябрига қадар ўзлари масъул бўлган маҳаллаларни камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича барча зарурий чора-тадбирларни кўриши бўйича вазифалар белгиланди.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (Сулаймонов)га камбағаллик ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 25 та оғир маҳаллаларга бириктирилган иқтисодий комплекс раҳбарлари томонидан олиб борилаётган ишларни чуқур таҳлиллар асосида кунлик танқидий-таҳлилий муҳокама қилиб бориши бўйича кўрсатмалар берилди.

Туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарларига тижорат банклари ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари билан биргаликда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида микролойиҳалар ташкил этилишини шахсан ташкиллаштириш, вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га мазкур масала бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳаққонийлиги бўйича ҳар ҳафта маълумот киритиб бориш топшириғи берилди.

Йиғилиш кун тартибида республика Ишчи гуруҳи томонидан вилоятдаги касбий таълим ташкилотларининг фаолиятини ўрганиш натижалари муҳокама қилиниб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли масъулларга кўрсатма ва топшириқлар белгилаб берилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Ходжаев)га, вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (Хамидов), вилоят Қурилиш уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси (Турдиев), "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" ДМ (Ботиров), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Жумаев) билан биргаликда вилоятдаги касбий таълим ташкилотларининг бино ва иншоотлари ҳамда моддий-техник базаларини ўрганиб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича таклифлар тайёрлаб вилоят ҳокимига киритиш вазифаси топширилди.

Шунингдек, вилоят ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (Фармонов)га Рақамли технологиялар вазирлиги вилоят шўъбаси (Буронов), вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (Тўхтаев), вилоят Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (Жумаев) билан биргаликда компьютер жиҳозларини харид қилиш бўйича таклифларни тайёрлаб, смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимига киритиш бўйича топшириқлар берилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари (Ходжаев)га вилоят Адлия бошқармаси (Абдуллаев), Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (Атажанов), Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси

(Нишонов), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (Тўхтаев) ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда вилоятдаги техникумларнинг ноқонуний берилган бўш турган бино ва иншоотлари, ер майдонларини қонуний тартибда расмийлаштириш ёки техникум балансига қайтариш ва самарали фойдаланиш чораларини кўриш бўйича вазифалар белгилаб берилди.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ҳокимликларига Ишчи гуруҳ томонидан касбий таълим муассасаларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш бўйича ишлаб чиқилган вилоят “Йўл харитаси”дан келиб чиқиб, ўз ҳудудидаги техникумларда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича “Йўл харита”ларини ишлаб чиқиш ҳамда бир ой муддатда аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф қилиб, амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотларни асослантирувчи ҳужжатлари билан бирга вилоят ҳокимлиги (Ж.Ходжаев)га тақдим этиш вазифаси топширилди.

Йиғилиш кун тартибида, коррупцияга қарши курашиш ва уни олдини олиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар ҳамда келгусида амалга ошириладиган вазифалар муҳокама қилиниб, ҳудудларда коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини яратиш бўйича барча зарурий чора-тадбирларни кўришлари шартлиги бўйича барча масъулларга вазифа ва топшириқлар берилди.

Шунингдек, йиғилишда Давлат хавфсизлик хизмати Навоий вилояти бошқармасининг 2025 йил 29 сентябрдаги хатида кўтарилган масалалар муҳокама қилиниб, ҳоким ёрдамчилари томонидан ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашиш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ва коррупциявий ҳолатларга йўл қўйиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 10 сентябрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги 55-сонли қарори ижросини самарали ташкил этиш бўйича вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (Хайруллаев)га, шаҳар, туман ҳокимликларига ишларни ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берилди.

Йўл қўйилган камчиликлардан келиб чиқиб, барча даражадаги раҳбарларга ижро интизомини мустаҳкамлаш, кун тартибидаги масалалар юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда мутасаддиларнинг ҳисоботларини инобатга олиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Давлат Раҳбарининг ҳамда Президент Администрацияси раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлашда йўл қўйилган камчиликлар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатаси томонидан киритилган тақдимнома (08.10.2025 й, 03-347-сон) маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**), Ижро интизоми назорати бўлими (**Намозов**) Ўзбекистон Республикаси Ҳисоб палатасининг 2025 йил 8 октябрдаги (03-347-сон) тақдимномасида келтирилган камчиликларни бартараф этиб, белгиланган муддатда ахборот берилсин.

2. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) **бир кун муддатда** Давлат Раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўйган “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (**Назаров**) ва “Қизилқумцемент” АЖ (**Мельников**) раҳбарларини вилоят ҳокими ҳузурига чақиртирсин.

3. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ҳикматов**), “Навоийсувқурилишинвест” ДМ (**Назаров**), Хатирчи тумани ҳокимлиги (**Адизов**) **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПКҚ-132-сонли қарорига асосан, Хатирчи туманидаги аҳолига ижара асосида ажратилган 370 гектар ер майдонлари ва 600 гектар яйлов ерларида боғлар, сабзавот ва полиз экинлари экиш учун тик қудуқларни қуриш топшириғини охирига етказиб, назоратдан ечсин.

4. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ражабов**) **уч кун муддатда** республика билан ҳамкорликда ишлаб, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида 2025 йил 16 июнь куни ўтказилган йиғилиш бўйича тасдиқланган 28-сонли баённинг 24-банди ижросини таъминлаш мақсадида, “Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигини қўллаб-қувватлаш жамғармаси”дан 7,0 млрд сўм маблағ ажратиш масаласини ҳал қилиб, натижаси тўғрисида ахборот киритсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринбосари (**Ғаффоров**) Навбаҳор (**Ўроқов**) ва Қизилтепа (**Бобомуродов**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда ишлаб, **беш кун муддатда** терини қайта ишлаш лойиҳаларини тўлиқ қувватда ишга тушириш чораси кўрилсин ва натижаси тўғрисида ахборот киритсин.

6. Вилоят ҳокими ўринбосарлари, таркибий бўлинма раҳбарлари, котибият мудирлари:

“edo.ijro.uz” платформасида назоратда турган Давлат Раҳбарининг топшириқлари (*Ижтимоий комплексида 9 та, Иқтисодиёт комплексида 5 та, Қурилиш комплексида 3 та, Қишлоқ хўжалиги комплекси ва Ҳуқуқни муҳофаза қилувчилар гуруҳида 1 тадан*) ижросини ўз вақтида таъминлаб, топшириқларни **жорий йил октябрь ойининг 25 санасига қадар** назоратдан чиқариш чора-тадбирларини кўрсин;

белгиланган муддатда топшириқлар ижросини таъминламаган мутасаддидларга нисбатан қонунчиликда белгиланган тартибда интизомий чоралар қўлланилиши тўғрисида **расман огоҳлантирилсин**;

муддати жорий йил якунига қадар белгиланган топшириқлар бўйича **муддати келишини кутмасдан, ҳозирданоқ ижросини таъминлаб,** назоратдан чиқариш бўйича қўшимча чора-тадбирларни кўриб борсин.

7. Вилоят ҳокимлиги Ташкилий-кадрлар гуруҳи (**Авезов**) ижро интизомига риоя қилмаётган, “edo.ijro.uz” платформасида назоратда турган Давлат Раҳбарининг топшириқлари ижросини таъминлашда сусткашликка йўл қўяётган вилоят ҳокимлиги котибият мудирлари, таркибий бўлинма раҳбарлари ва шаҳар, туман ҳокимларининг ойлик маошларига қўшиб берилаётган устамаларни бекор қилиш бўйича таклиф киритсин.

8. **Шаҳар, туман ҳокимлари** бириктирилган масъул раҳбарлар билан биргаликда **ўн кун муддатда** даромади пасайган 327 та (*Хатирчи 108 та, Нурота 46 та, Қизилтепа 43 та, Кармана 38 та, Навбаҳор 32 та, Конимех 21 та, Навоий шаҳри 20 та, Томди 10 та, Зарафшон ва Учқудуқ 4 тадан, Ғозон 1 та*) камбағал оилаларнинг даромадини қайта кўриб чиқиб, реестрга тушган вақтдаги даромади билан солиштирган ҳолда даромадини ошириш чораларини кўрсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) ушбу топшириқ ижросини шахсан ўз назорати остида **кунлик сўров олиб бориб,** камчиликларни бартараф қилинишини ташкил қилсин.

9. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) **бир кун муддатда** вилоятдаги тармоқ корхоналари раҳбарларига ўзлари масъул бўлган маҳаллаларда камбағалликдан чиқариш бўйича аҳволни таҳлил қилиб, муаммо ва камчиликларни баратарф қилиш юзасидан вилоят ҳокими номидан хат лойиҳасини тайёрлаб, киритсин.

Назорати **Ж.Бобомуродовга.**

10. Ҳудудларга бириктирилган **йирик саноат корхоналари** (“Навоий Кон-металлургия комбинати” АЖ, “Навоийуран” ДК, “Навоийазот” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ, “Қизилқумцемент” АЖ) **раҳбарлари** маҳаллалардаги биринчи навбатда камбағал оилалардаги ишсиз аҳоли бандлигини таъминлаш, даромадини ошириш ҳамда камбағалликдан чиқариш чораларини кўриб, бажарилган ишлар бўйича **ҳар ҳафта жума куни** вилоят ҳокимлиги ҳамда вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармасига маълумот тақдим этиб борсин.

11. Нурота тумани “Янгитурмуш” маҳалласига бириктирилган вилоят Солиқ бошқармаси (**Назаров**), Навбаҳор тумани “Учтут” маҳалласига бириктирилган вилоят “Ипак йўли банки” (**Сиддиқов**), Хатирчи тумани “Оқтепа” маҳалласига бириктирилган вилоят “Халқ банки” (**Мухторов**) ва Хатирчи тумани “Мирдош” маҳалласига бириктирилган Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (**Атажанов**) раҳбарлари **бир ҳафта муддатда** ўзлари масъул бўлган маҳаллалардаги камбағал оилаларнинг бандлигини таъминлаш ва аниқланган муаммоларини ҳал қилиш чораларини кўриб, натижаси бўйича ахборот берсин.

Назорати **Ж.Умаровга.**

12. Камбағаллик ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 25 та оғир маҳаллаларга бириктирилган иқтисодий комплекс раҳбарлари ишга ёндашув ва муносабатларини кескин ўзгартирган ҳолда, ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан, қўшиб ёзмасдан бажариб, жорий йилнинг 1 ноябрига қадар ўзлари масъул бўлган маҳаллаларни камбағаллик ва ишсизликдан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича барча зарурий чоратадбирларни кўрсин.

Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) камбағаллик ва ишсизлик даражаси юқори бўлган 25 та оғир маҳаллаларга бириктирилган иқтисодий комплекс раҳбарлари томонидан олиб борилаётган ишларни чуқур таҳлиллар асосида **кунлик танқидий-таҳлилий муҳокама** қилиб борсин.

13. Туманлар ҳокимлари (**В.Адизов, Б.Бобомуродов, А.Файзиев, Р.Рўзиев, У.Адизов, У.Елмуратов, О.Умаров, А.Ўроқов**) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 октябрдаги ПҚ-298 сонли қарори талаблари асосида танлаб олинаётган “Янги Ўзбекистон қиёфасидаги маҳалла”ларга **шахсан ўзи бориб**, аниқ таклиф, ташаббус ва режалар билан **жорий йилнинг 23 октябрида** вилоят ҳокими ҳузурида тақдимот қилинишини таъминласин.

Назорати **Р.Сулаймоновга.**

14. Кармана, Қизилтепа, Нурота, Конимех, Хатирчи ва Навбаҳор туманлари ҳокимлари ва уларнинг биринчи ўринбосарлари **бир ҳафта муддатда** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 23 ноябрдаги ПҚ-20-сонли қарори асосида аҳолига ижара асосида ажратилган ерларни деҳқон хўжалиги сифатига рўйхатдан ўтказиш ишларини охирига етказиб, кўрилган чоралар натижадорлиги бўйича вилоят ҳокимлигига ахборот киритсин.

Назорат ва кунлик сўров **Р.Сулаймоновга.**

15. Миграция агентлигининг Навоий ҳудудий филиали (**Болтаев**):

туман (шаҳар) ҳокимларининг меҳнат миграциясидаги фуқаролар оила аъзолари билан учрашувлари ва уларнинг муаммоларини ҳал этилиши бўйича олиб бораётган ишлари бўйича вилоят ҳокимига таҳлилий-танқидий ахборот киритсин;

вилоят ҳокимининг меҳнат миграциясидаги фуқаролар ва уларнинг оила аъзолари билан учрашуви бўйича тайёргарлик кўриб, материалларни киритсин.

16. Туман (шаҳар) ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари тижорат банклари ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандликка кўмаклашиш бўлимлари билан биргаликда саноат, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги йўналишларида микролойиҳалар ташкил этилишини шахсан ташкиллаштирсин.

Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) мазкур масала бўйича олиб борилаётган ишларнинг ҳаққонийлиги бўйича **ҳар ҳафтада** маълумот киритиб борсин.

17. Республика ишчи гуруҳи томонидан вилоятдаги касбий таълим ташкилотлари фаолиятини ўрганиш жараёнида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тасдиқланган “Йўл харитаси”да белгиланган топшириқлар ижро учун қабул қилинсин.

Шаҳар, туман ҳокимлари:

уч кун муддатда касбий таълим ташкилотларида аниқланган камчиликларни бартараф қилиш ва уларнинг механизмлари бўйича ўзларининг “Йўл хариталари”ни ишлаб чиқиб, тасдиқланган вариантини назорат қилиш учун вилоят ҳокимлиги (**Ходжаев**)га тақдим этсин;

бир ой муддатда аниқланган камчиликларни тўлиқ бартараф қилиб, амалга оширилган ишларни фотоальбом (олдинги-кейинги ҳолат) ва асословчи ҳужжатлар билан бирга вилоят ҳокимлигига тақдим этсин.

Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) ушбу топшириқ ижроси бўйича қатъий назорат ўрнатиб, **бир ойдан сўнг** топшириқлар ижросининг ҳаққонийлигини ўрганиб, натижаси бўйича ахборот берсин.

18. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**), вилоят ҳокимлиги котибияти мудир (**Ҳамидов**), Қурилиш уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси (**Турдиев**), "Капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати" ДМ (**Ботиров**), Иқтисодиёт ва молия бош бошқармаси (**Жумаев**) билан биргаликда “сарик тоифа”даги 16 та касбий таълим ташкилотларини (*Навоий шаҳар политехникуми, Навоий рақамли технологиялар техникуми, Кармана туман 1- ва 2-сон политехникуми, Конимех туман политехникуми, Хатирчи агротехнологиялар техникуми, Нурота туман 1- ва 2-сон, Ғозгон шаҳар политехникуми, Навбаҳор туман 1-сон, Қизилтепа туман 1- ва 2-сон, Зарафшон шаҳар 1- ва 2-сон политехникуми, Учқудуқ туман 1- ва 2-сон политехникумлар*) **ўн кун муддатда** бино ва иншоотлари ҳамда моддий-техник базаларини ўрганиб, бартараф этиш бўйича аниқ таклифларни киритсин.

19. Вилоят ҳокимининг рақамлаштириш бўйича маслаҳатчиси (**Фармонов**), Рақамли технологиялар вазирлигининг вилоят шўъбаси (**Буронов**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), Иқтисодиёт ва молия бошқармаси (**Жумаев**) билан биргаликда **бир ҳафта муддатда** республика Ишчи гуруҳи томонидан аниқланган компьютер жихозларини харид қилиш бўйича аниқ таклифлар ва смета ҳужжатларини ишлаб чиқиб, вилоят ҳокимига киритсин.

20. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), вилоят Иқтисодиёт ва молия

бошқармаси (**Жумаев**), Хатирчи (**Адизов**) ва Навбаҳор (**Ўроқов**) туманлари ҳокимлари билан биргаликда “Қизил” тоифада бўлган Хатирчи туман политехникуми ва Навбаҳор агротехнологиялар техникумларининг моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида, касб ва мутахассисликлар бўйича керак бўладиган техника ва жиҳозларни рўйхатини шакллантириб, аниқ таклифларни киритсин.

21. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**) вилоят Адлия бошқармаси (**Абдуллаев**), Давлат активларини бошқариш агентлигининг вилоят бошқармаси (**Атажанов**), Кадастр агентлигининг вилоят бошқармаси (**Нишонов**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда вилоятдаги техникумларнинг ноқонуний берилган бўш турган бино ва иншоотлари, ер майдонларини қонуний тартибда расмийлаштириш ёки техникум балансига қайтариш ва самарали фойдаланиш чораларини кўрсин.

Амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ўн кунда** вилоят ҳокимига ахборот бериб борилсин.

22. Вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**) Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси (**Шакаров**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда **беш кун муддатда** таълим дастурларини қайта шакллантириб, уларни ўқув адабиётлар билан таъминлаш бўйича Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигига таклифларни киритсин.

Шунингдек, **бир ой муддатда** вилоятдаги техникумларнинг ишчи ўқув режа ва ўқув жараён графигини вилоятдаги йирик иш берувчилар билан тўлиқ келишган ҳолда тасдиқласин.

Назорати **Д.Эгамовга**.

23. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Савдо-саноат палатасининг вилоят бошқармаси (**Шакаров**) ва туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда **жорий йил якунига қадар** дуал таълим асосида белгиланган режа тўлиқ бажарилиши ҳамда бандликка кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз ва банд бўлмаган фуқароларни қисқа муддатли ўқув курсларни ташкил этиб, битирувчилар бандлигини таъминлаш чораларини кўрсин.

24. Вилоят Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда касбий таълим ташкилотларида давоматни яхшилаш бўйича ишларни кунлик мониторинг қилиб, натижаси бўйича вилоят ҳокимлигига **ҳар ҳафтада** маълумот киритиб борсин.

Назорати **Д.Эгамовга**.

25. Вилоят ҳокими ўринбосари (**Ходжаев**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**) йирик ташкилот ва корхоналар билан биргаликда **уч кун муддатда** техникумлардаги мутахассисларни корхоналарда тажриба алмашиши бўйича режа-график ишлаб чиқиб, тасдиқлаган ҳолда ижрога қаратсин.

26. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Олий таълим, фан ва инновациялар бошқармаси (**Тўхтаев**), Ёшлар ишлари агентлигининг вилоят бошқармаси (**Ахмедов**) **бир кун муддатда** техникумлар битирувчилар рўйхатини шаҳар, туман ҳокимликлари ва бириктирилган масъулларга етказсин.

Туман (шаҳар) ҳокимликлари бириктирилган масъуллар билан биргаликда техникум битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича шахсан шуғулланиб, амалга оширилаётган ишлар тўғрисида **ҳар ҳафта жума кuni** вилоят Штабига маълумот киритиб борсин.

Назорати **Р.Сулаймонов, Ж.Ходжаевга**.

27. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари (**Сулаймонов**) камбағаллик, ишсизлик, бандлик, миграция, деҳқон хўжаликлари ва микролойиҳалар ташкил қилиш, драйвер лойиҳалар, ҳокимлар ташаббуси билан амалга оширилаётган лойиҳалар, хизматлар соҳасини ривожлантириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича белгиланган топшириқлар ижроси бўйича **шахсан кунлик шуғулланиб**, тегишли мутасаддилар иштирокида **ҳар ҳафтада камида икки маротаба** муҳокама қилиб, юзага келаётган муаммоли масалаларни ҳал қилиш чораларини борсин.

Амалга оширилаётган ишлар натижаси ҳамда масъулиятсизларга нисбатан чоралар кўриш бўйича вилоят ҳокимига таклифлар киритиб борсин.

28. Вилоят прокуратураси (**Муллажонов**), вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**), Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда келгусида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича барча зарурий чора-тадбирларни кўриб борсин.

29. Кадастрлар агентлиги вилоят бошқармаси (**Нишонов**), Кадастрлар палатаси вилоят бошқармаси (**Зарипов**) кадастр тизимида йўл қўйилган коррупциявий ҳолатларнинг салбий оқибатларини бартараф этиш ҳамда олдини олиш мақсадида ўз тизим ходимлари билан танқидий муҳокама қилиб, тарғибот ишларини янада кучайтирсин.

30. Бошқарма (ташкилот) ва муассасалар раҳбарлари ўзлари учун 2025 йилда **“ҳар бир маҳаллада ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш”**ни устувор вазифа этиб белгиласин.

31. Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**), “Нуроний” жамғармаси вилоят бўлими (**Набиев**), вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда аҳолининг

ҳуқуқий онги ва ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда жиноят содир этилишига сабаб бўлиши мумкин бўлган ижтимоий муаммоларни ҳал этишга жамоатчилик вакиллари, нуронийлар ва маҳалла фаолларини кенг жалб этиш чораларини кўрсин.

32. Вилоят Ички ишлар бошқармаси (**Тасбаев**) ҳафтанинг **ҳар пайшанба кун**и ўтган ҳафта давомида содир этилган жиноятлар ва уларни бартараф этиш йўллари бўйича, вилоят ҳокими ҳузурида муҳокама қилиш учун таҳлилий маълумот киритиб борсин.

33. Вилоят Камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**), Маҳаллалар уюшмаси вилоят бошқармаси (**Алиев**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда маҳалла раислари ва ҳоким ёрдамчилари томонидан мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ва коррупциявий ҳолатларга йўл қўйиш ҳолатларини олдини олиш бўйича барча зарур тарғибот тадбирларини олиб борсин.

34. Вилоят Мактабгача ва мактаб таълими бошқармаси (**Ҳайитова**) ўз тизим ташкилотларида коррупциявий ҳолатларини олдини олиш бўйича барча зарур чора-тадбирларни амалга оширсин.

35. Вилоят Соғлиқни сақлаш бошқармаси (**Сафоев**) **уч кун муддатда “Электрон рецепт”** модули орқали рецептларни электрон шаклда бериш тартибини жорий қилиш бўйича дорихоналар билан ишлаб, топшириқни охирига етказсин.

36. Вилоят ҳокимлиги Коррупцияга қарши ички назорат қилиш шўъбаси (**Хасанов**) **ўн беш кун муддатда:**

бошқарма, ташкилотлар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликда ташкилотларда ишловчи бошқарув ходимларидан тўлдирилиши мажбурий бўлган “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги декларацияларни олиб, танқидий ўрганишлар олиб борсин;

2025 йил якунига қадар барча ташкилот ходимларини коррупцияга қарши курашиш борасидаги билим ва кўникмаларини ошириш мақсадида Коррупцияга қарши курашиш виртуал академиясида масофавий ўқитиш курсларини ташкиллаштирсин.

37. Давлат хавфсизлик хизмати Навоий вилояти бошқармасининг 2025 йил 29 сентябрдаги 11/4156-сонли хати маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

Вилоят камбағалликни қисқартириш ва бандлик бошқармаси (**Хайруллаев**) туман (шаҳар) ҳокимлари билан биргаликда маҳаллалардаги “ҳоким ёрдамчилари” томонидан ўз вазифаларига совуққонлик билан ёндашиш, мансаб ваколатларини суистеъмол қилиш ва коррупциявий ҳолатларга йўл қўйиш ҳолатларини бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш бўйича барча зарур чораларни кўриб, мазкур масалаларни доимий назоратга олсин.

Назорати **Р.Сулаймоновга**.

38. Маҳаллалар уюшмасининг вилоят бошқармаси (**Алиев**) маҳалла раислари билан биргаликда “маҳалла еттилиги” ходимларининг коррупциявий ҳолатларга йўл қўймаслиги бўйича тарғибот ишларини доимий олиб борсин.

39. Мазкур йиғилиш баённомаси ижро назоратини ўз зиммамда қолдириб, мониторингини олиб бориш Ташкилий-кадрлар гуруҳи (Авезов), Ахборот-таҳлил гуруҳи (Бобомуродов) ва Ижро интизоми назорати бўлими (Намозов) зиммасига юклансин.

Баёнлаштирди



Ф.Эшбоев